Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 24-may. Payshanba ● 64 (31.496) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

# «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз болаларим, фарзандларим!

Ҳурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!

Аввало, сизларнинг барчангизни мана шу фусункор баҳор айёмида чеҳраси ва бағрини очиб, янада гўзал қиёфа касб этган Навоий шаҳрида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб юртимизда инсон, унинг ҳаёти ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдек юксак мақсадни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик.

Ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида бугун Ватанимиз қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марралар дунёнинг узоқ ва яқин мамлакатларида кенг эътироф этилаётгани халқимизга, барчамизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимизга катта ғурур ва ифтихор етказмоқда.

Ёш авлодимизнинг ақл-заковати, қобилияти ва талантини рўёбга чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир ёрқин намойиши сифатида бугун Навоий шаҳрида бешинчи бор ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида қатъият билан бел боғлаб майдонга тушаётган сиз, азиз фарзандларимизнинг ёниб турган кўзларингиз, ғайрат ва шижоатингиз барчамизга чексиз қувонч бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Юртимизда шаклланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли тизим, айни мана шундай тадбир ва мусобақалар, мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз бугунги кунда дунё жамоатчилигида катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда, энг муҳими, ёшларимизнинг халқаро майдонларда юксак шоҳсупаларга кўтарилиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан юртимизда қарийб 1500 та замонавий спорт объекти бунёд этилганини таъкидлаш ўринлидир. Эътиборлиси шундаки, бу ишларнинг кўлами ва миқёси кенгайиб, барча ҳудуд ва минтақаларимизни, шаҳар ва қишлоқларимизни тобора кенгроқ қамраб олмоқда.

Ўйлайманки, сизлар бўлғуси мусобақалар давомида бу фикрга яна бир бор ишонч ҳосил қиласизлар. Ушбу беллашувларни юксак савияда ўтказиш учун Навоий вилоятида қарийб 56 миллиард сўм маблағ сарфланиб барпо этилган, бугун сизларга ўз эшикларини очаётган муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари, стадионлар ва сузиш ҳавзалари, инфратузилма объектлари сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизни намоён этишга, келажакда эса минглаб ёш спортчиларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши табиийдир.

Мамлакатимизда яратилаётган ана шундай кенг имкониятлар туфайли болалар спорти том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб, ўзининг дастлабки амалий натижаларини бермоқда. Буни кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиганлар сони 29 фоиздан қарийб 35 фоизга, қизларимиз ўртасида эса 24 фоиздан 31,5 фоизга ўсгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Буларнинг барчаси ўз навбатида бизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш соғлом авлод тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Агарки, 2005 йилда юртимиздаги мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам қарийб 63 фоизга етгани ва бу борада биз ривожланган давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораётганимиз албатта барчамизни хурсанд қилади.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бугун бошланаётган «Умид ниҳоллари» ўйинлари мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни спорт билан таништириш, уларни спортга ошно этиш, жамиятимизда соғлом турмуш тамойилларини кенг қарор топтиришдек олижаноб мақсадга қаратилгани билан айниқса эътиборлидир. Бу мусобақаларнинг туман ва вилоят босқичларида 1 миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этгани ёшларимиз ўртасида спортни янада оммалаштиришда бу ўйинларнинг ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Яқин кунларда XXX ёзги Олимпиада беллашувларида иштирок этиш учун Буюк Британиянинг Лондон шаҳрига йўл оладиган ака ва опаларингиз катта спорт оламига илк қадамларни сизлар қатнашаётган айнан мана шундай мусобақалардан бошлагани, ўйлайманки, барчангизнинг кучингизга куч, ишончингизга ишонч қўшади.

Бугун Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга отланаётган моҳир спортчиларимизга барчамиз омад тилар эканмиз, сизлар ҳам уларнинг изидан бориб, жаҳон майдонларида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтарасиз, деб ишонамиз.

Азиз фарзандларим!

Сизларнинг иштирокингиздаги кескин беллашувларни минг-минглаб тенгдошларингиз, ёру дўстларингиз, барча спорт мухлислари қизғин олқишлар, эзгу тилаклар билан кутиб олади.

Билиб қўйингки, давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшларнинг камолотингиз, бахту саодатингиз учун ҳеч нарсани — маблағ ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам, энг муҳими, ўзининг қалб саховати ва меҳрини асло аямайди.

Барчамизнинг истагимиз битта: ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрликка доимо муносиб бўлиб, мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқларга ўз ҳиссангизни қўшиш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини юксалтириш учун интилиб яшанг.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар учун янги-янги спорт объектлари барпо этган, катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширган моҳир қурувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар ва мутасаддиларга, бутун Навоий вилояти аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Ишонаман, бу мусобақалар дўстлик, ўзаро ҳурмат ва адолат руҳида ўтади ва барчангизнинг ҳаётингизда унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги ёшлик ва спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



# НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ



## *Навоий шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақалари бошланди*

**...Навоий шаҳри оқшом оғушига чўмган бўлса-да, кўчалар ва хиёбонлар кундуздагидек чароғон. Сержило нур таратаётган ранг-баранг чироқлар, енгил ҳилпираётган байроқлар шаҳарга байрамона руҳ, ўзгача тароват бахш этган. «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақалари муносабати билан қад ростлаган муҳташам марказий стадион меҳмонлар ва спорт мухлислари билан тўла.**

«Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрининг терма жамоалари кириб келади.

Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг финал босқичини очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

«Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақалари байроғи ҳилпирай бошлайди.

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаси иштирокчилари спорт беллашувларида ҳалол, мардонавор ва мурosasиз курашишга тантанали қасамёд қилдилар.

*(Давоми 4-бетда.)*




## ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа




Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар.

## Истиқлол имкониятлари

# ФАРҒОНА: ТАРИХИЙ ҚУРИЛИШЛАР, БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР

*Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бу ишлардан кўзланган бош мақсад одамларни рози қилиш, улар фаровон турмуш кечиришлари учун муносиб шарт-шароитларни яратишдир*

3-бет



# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КАСАНАЧИЛИК РИВОЖИ

## *аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошишига хизмат қилади*

**ЎзХДП Марказий Кенгаши Марказий банк ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказиб келаётган иқтисодий форумнинг навбатдагиси Андижон вилоятининг Асака туманида бўлиб ўтди.**

«Оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг ўрни» мавзусида ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Марказий банк, «Микрокредитбанк» ОАТБ, тижорат банкларининг ҳудудий раҳбарлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассислари, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини йўлга қўйиш ниятидаги электорат вакиллари иштирок этди.

Форум доирасида электоратнинг иқтисодий билимини оширишга қаратилган махсус ўқув, бўш иш ўринлари ярмаркаси ва кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ўтказилди.

*(Давоми 2-бетда.)*

Парламент назорати

**Юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда давлат ер кадастри юритилиши, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.**

**«Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонун шу мақсадга хизмат қилади.**

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ:

## *қонун ижросида сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди*

Таъкидлаш керакки, мазкур Қонуннинг 3-моддасида давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиши, у ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборат экани белгиланган.

Қонунга мувофиқ, давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, ерларнинг миқдори ва сифатининг ҳисобга олинишини, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек, ер кадастрига доир ахборотлар бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб турилишини ўз ичига олади.

**Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.**

«Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган. Унга кўра, қўмита Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиши, ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тузиши, **норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши** керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонун ижроси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси — «Ергеодезкадастр» раиси С.Арабовнинг **«Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳақида»**ги ахбороти эшитилди.

Тақдим этилган ахборотга кўра, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, Қонунда келтирилган ҳавола нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 8 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланган. «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомлар шулар жумласидандир.

Йиғилишда бажарилган ишлар эътироф этилди, шу билан бирга, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган айрим ҳавола меъёрларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича тегишли низом ва йўриқномалар ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлашда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Қонун талабларига тўлиқ риоя қилмаётгани таъкидланди.

**«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Қонуннинг 11 ва 19-моддаларидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисоботга киритиладиган маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги ер турларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низомларни ишлаб чиққан. Аммо мазкур ҳужжатлар ҳозиргача белгиланган тартибда тасдиқланмаган.** Қонуннинг 20-моддасида кўзда тутилган ер кадастри дафтарининг тузилиши, мазмуни ва уни юритиш тартиби мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилмаган. Шунингдек, 13-моддада белгиланган «Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олганлик учун рўйхатга олиш йиғимини ундириш тартиби» ҳамда 23-моддада белгиланган «Ер кадастрига доир ахборотни бериш тартиби» ишлаб чиқилмаган.

Депутатлар Қонун ижросида йўл қўйилаётган бу каби камчиликлар ва уларнинг сабабларини атрофлича муҳокама қилди. Таъкидландики, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддаларида (16 та модда) белгиланган ҳавола меъёрларни татбиқ этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлдошевнинг таъкидлашича, бу давлат ер кадастри юритилиши, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолати таъминланиши ва ерлардан оқилона фойдаланишга салбий таъсир этади.

Шу боис имкон қадар қисқа муддатда ер кадастри дафтарининг тузилиши, мазмуни ва уни юритиш тартибини белгиланган тартибда тасдиқлаш зарур. Ер участкаларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва ижтимоий манфаатлари ҳимоя қилинишида бу долзарб аҳамият касб этади.

Йиғилишда депутатлар, олимлар, мутасадди вазирлик ва идоралар мутахассислари «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуннинг ижросига қаратилган процессуал механизмни такомиллаштириш бўйича фикр алмашди.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг ахбороти ҳамда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси тегишли қарор қабул қилди. Унда Давлат ер кадастрига оид қонун асосида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳолати ва уларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ўз аксини топди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўбекистон овози» мухбири.**

---

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КАСАНАЧИЛИК РИВОЖИ

## *аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошишига хизмат қилади*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева оилавий тадбиркорлик ва касаначилик ривожи кам таъминланган оилалар, вақтинча ишсиз, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатига хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. Шу боис электорат вакиллари оилавий тадбиркорлик ва касаначилик бўйича ишларини йўлга қўйишда кўмак бериш, уларга бу йўналишда молиявий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга, — деди у. — Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари электорат вакилларига кредит олишдаги қулайликлар, бу борада яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар, микрокредит беришнинг ҳуқуқий ва молиявий асосларини кўпроқ тушунтириши керак.

Тадбир давомида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш бўйича иқтисодий ўқув ташкил этилди. Унда тижорат банклари мутасаддилари микромолиявий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари, касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармояни шакллантириш учун кредит ажратиш қоидалари ва амалиёти ҳақида батафсил маълумот берди.

— Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган киши, табиийки, ҳуқуқий маслаҳатга эҳтиёж сезади, — дейди **Марказий банк раиси ўринбосари Нозимжон Ҳусанов.** — Шу боис уларга оилавий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ҳамда бизнес-режа тузиш тартиб-қоидалари тўғрисида тушунча берилди. Кўп ҳолларда ўз ишини йўлга қўйиш истагидаги кишилар бизнес-режани фақат банкдан кредит олиш учун тузаяпти. Натижада уларнинг фаолияти узоққа бормайди. Қачонки, бизнес-режа маълум муддатга, пухта ҳисоб-китоб билан қонуний асосда тузилса, яхши самара беради. Тижорат банкларидаги «Тадбиркорлар хонаси» шу мақсадда ташкил этилган. Аҳоли бу ерга мурожаат қилиб, фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш билан боғлиқ саволларга атрофлича жавоб олиши мумкин.

Форумда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган 36 нафар электорат вакилига тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди.

— Тажрибали усталардан мебелсозликни қунт билан ўргандим, — дейди **Илҳом Мамадалиев**. — Кичик бўлса ҳам устахонам бўлишини, ўз ишимни йўлга қўйишни ният қилдим. Шукрки, орзуим рўёбга чиқадиган бўлди. «Асакабанк»нинг туман филиалидан имтиёзли кредит олиш учун сертификатни қўлга киритдим. Энди мебель ишлаб чиқариш учун замонавий дастгоҳлар сотиб оламан.

— Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган бу форумда иштирок этганимдан мамнунман, — дейди **чевар Шаҳноза Ураимова**. — Тадбирда ўзим учун керакли маълумотга эга бўлдим. Оилавий тадбиркорлик учун яратилган қулайликдан келиб чиқиб, ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Зардўзлик фаолиятини бошласам, келажакда оила аъзоларим ҳам шу билан банд бўлади. Бизнес-режа тузиш, банкларга қай тартибда, қандай ҳужжат топшириш бўйича тушунчага эга бўлганим асқотади, албатта.

Шунингдек, форум доирасида электорат вакиллари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда корхона, ташкилот ва муассасалар 222 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Иш қидираётган кўплаб фуқаролар иш берувчи ташкилотлар билан шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Анжуман дастурига биноан кўчма Жамоатчилик қабулхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фуқароларни қабул қилди.

— Паррандачилик хўжалиги ташкил қилиш ниятидаман, — дейди **Дилрабо Эгамбердиева.** — Шунинг учун махсус катаклар тайёрладик. Аммо паррандачилик хўжалигини йўлга қўйиш учун қулай ер керак. Кўчма Жамоатчилик қабулхонасида шу масалада кимга мурожаат қилишим кераклиги, қандай ҳужжатлар тайёрлаш ҳақида ҳуқуқий маслаҳат беришди.

Депутатлар бу каби мурожаатларни диққат билан тинглашди. Электоратни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар белгилашди.

Савол-жавоб ва баҳс-мунозарага бой бўлган иқтисодий анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

# ДЕПУТАТ СЎРОВИДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛА

## *ижобий ҳал бўлиши электоратнинг партияга ишончини оширади*

**«Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир».**

*«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасидан.*



**Суратда:** *(чапдан) депутат Рустам Қодиров ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши раиси Маҳмуд Аҳмедов билан.*

Маҳаллий Кенгаш депутати ўз мажбурияти ва ваколатига масъулият билан ёндашиб, фаол ва ташаббускор бўлса, одамлар билдирган ишончни оқлайди. Бу ўз навбатида, ҳудудларда партиянинг нуфузини оширади. Албатта, бунинг учун депутат ўз ҳаловатидан кечиб, елиб-югуриб ишлаши керак. Зеро, ўзи сайланган округда электоратни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўриш унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу борада маҳаллий Кенгаш депутатлари депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиши лозим. **Бўстонлиқ туман Кенгашига 14-«Паргос» сайлов округидан сайланган ЎзХДП депутати Ўрмон Тўлаганов** ўз фаолиятида бунга алоҳида эътибор қаратаётир.

— Депутатлик сўровидаги масалалар сайловчилар билан учрашувларда билдирилган таклиф ва тавсиялар ҳамда уларнинг бевосита мурожаатидан келиб чиқади, — дейди Ўрмон Тўлаганов. — Қолаверса, сайлов округидаги ижтимоий-иқтисодий масалалардан доим хабардор бўлиб тураман, партиямиз фаоллари билан узвий ҳамкорлик ўрнатганман. Ҳар ойнинг охирида электорат вакилларини қабул қилиб, уларни тинглайман ва муаммоларини ҳал этиш бўйича тегишли тадбир белгилайман.

Шундай мурожаатларнинг бирида маҳалла аҳли иккита кўчада 4 та электр симёғоч яроқсиз ҳолга келиб қолгани, бу аҳолига хавф туғдираётганини билдирди. Депутат жорий йилнинг январь ойи охирида Бўстонлиқ туман Электр тармоқлари корхонаси бошлиғи М.Исмоиловга симёғочларни алмаштириб бериш бўйича сўров юборди. Олинган жавобда (белгиланган 10 кун ичида) бу масала, яъни 8-трансформатордан чиққан 0,4 Квли ҳаво линияси йилнинг иккинчи чорагида таъмирланиши режага киритилгани маълум қилинди.

Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғинидаги тўртта кўча таъмирталаб экани ва уни таъмирлаш зарурлиги ҳам сайловчилар томонидан билдирилди. Ўрмон Тўлаганов тегишли ташкилотга қилган мурожаати натижасида йўл қурилиш-таъмирлаш ишларига ажратилган маблағ ҳисобидан битта кўча тўлиқ таъмирланди. Депутат бошқа кўчаларни таъмирлаш масаласини назоратга олган.

**Сирдарё туман Кенгашига ЎзХДП-дан сайланган депутат Рустам Қодиров** ҳам сайловчилар мурожаатларига ечим топишда депутатлик сўровидан унумли фойдаланмоқда. Аммо айрим масалаларни ҳал этиш осон кечмаяпти. Бир муаммони ҳал этиш учун турли ташкилотлар билан унга ечим топишга тўғри келаяпти.

Масалан, «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Ойбек» тор кўчасида яшайдиган аҳоли ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ масалада мурожаат қилди. Рустам Қодиров Сирдарё туман «Ичимлик сув» ишлаб чиқариш корхонасига сўров юборди. Лекин мутасаддилар бошида масалага жиддий эътибор қилмади. Депутат масалани ҳал этиш йўлларини излади, мутасаддилар билан маслаҳатлашди. Ниҳоят, туман «Ичимлик сув» ишлаб чиқариш корхонаси бу ишни ҳудудий дастурга киритишга эришди.

Айни кунларда иккита маҳалла оралиғида ичимлик сув қудуғи қазиш ва бир километр масофага ичимлик сув қувури ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун бюджетдан тегишли маблағ ажратилган.

— Нафақат «Ойбек» тор кўчаси, балки бутун маҳалламиз аҳли депутатимиз Рустам Қодировдан жуда миннатдор, — дейди Муҳаббат Йўлдошева. — У киши кўчамизга ичимлик суви тортиб келинишида анча жон койитди. Бу билан маҳалламиз аҳлининг депутатларга, ЎзХДПга бўлган ишончи янада ошди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиш лозим. Айрим депутатлар электорат манфаатини ҳимоя қилиш бўйича маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларига депутат сўрови юборишда, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишда сусткашликка йўл қўймоқда. Бўстонлиқ туман Кенгашида ЎзХДП депутатлари 11 нафарни, Сирдарё туман Кенгашида 13 нафарни ташкил этса-да, уларнинг ҳаммасини ҳам бу борада фаол деб бўлмайди. Айрим депутатлар депутат сўрови институтидан самарали фойдаланмаяпти.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи ҳар бир масалани ўрганишга ва ҳал этишга масъулият билан ёндашиши керак. Шунда депутат сўрови натижасиз қолмайди. Бу депутатнинг қатъиятига боғлиқ, албатта. Депутатнинг фаоллиги ўз навбатида маҳаллий ҳокимият раҳбарларида масъулият ҳиссини оширади, электорат манфаатига дахлдор масалалар ечим топишига хизмат қилади.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ**

---

Партиялараро баҳс

# ХОЛИС ХУЛОСА ЎРНИГА

## *ЎзЛиДеП бошқаларни айбдор қилишга уринмоқда*

**Сиёсий партия маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари орқали ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятларини яхши билиши, аҳоли мурожаатларида кўтарилган масалаларни чуқур ўрганиши, айни пайтда уларни ҳал қилишда ёрдам бериши зарур. Бу — бугуннинг талаби. Сиёсий партия шу орқали мамлакатда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг боришига таъсир этади, айни пайтда дастурий мақсадларини амалга ошириш имконига эга бўлади.**

Депутатлар фаол бўлса, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши билан боғлиқ масалаларга маҳаллий ҳокимият идоралари мутасаддилари масъулияти ортади. Зеро, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, ижро ҳокимиятининг масъуллигини ошириш бўйича амалга оширилаётган демократик ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам шудир. Аммо айрим ҳолларда ЎзЛиДеП бу масалага бир ёқлама муносабат билдирмоқда. Сўнгги пайтларда ЎзЛиДеП нашрида айтилаётган фикрлар бунга мисол бўла олади.

ЎзХДП иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш учун кичик ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларни кўпайтириш, шу орқали кишлоқ аҳолисининг мунтазам бандлигини таъминлаш керак, деб ҳисоблайди. ЎзХДП бу борада фақат ғоянинг ўзини илгари сураётгани йўқ. Унинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида маҳаллий ишлаб чиқаришни кучайтириш, ички бозорни аҳолининг харид қобилиятига мос маҳсулотлар билан бойитиш, яратилаётган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар белгиланган. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқилган.

Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари Ҳаракат дастуридаги вазифалар ижросига жиддий эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда иқтисодиётни барқарорлаштиришга салбий таъсир этаётган омиллар аниқланмоқда. Хусусан, норасмий фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар, айниқса, қишлоқ ва туманларда кўпчиликни ташкил этади. Уларда замонавий иқтисодий, ҳуқуқий билим етарли эмас. Шу боис қонуний фаолият юритишга унчалик аҳамият беришмайди. Бир қарашда бу ерда муаммо йўқдек. Аммо ЎзХДП бу ҳолат ижтимоий адолат тамойилига мувофиқ келмайди, деб ҳисоблайди.

***Норасмий фаолият юритаётган тадбиркор ёки ҳунарманд тегишли қонунларда белгиланган солиқ ва ижтимоий йиғимларни тўламайди, шунингдек, давлат томонидан яратилган имтиёзлардан фойдаланмайди. Бу — масаланинг биринчи томони.***

**Масаланинг иккинчи томони шундаки, қонунан банд бўлмаган тадбиркор ёки ҳунарманд вақти келганда давлат пенсиясини ололмайди. Бу ЎзХДПнинг ижтимоий ҳимоя тамойилига мутлақо тўғри келмайди.**

Шунинг учун Сайловолди дастурида жамиятда тадбиркорлик маданиятини оширишни мақсад қилган ЎзЛиДеПнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари бу муаммога эътибор қаратмаётганини таъкидлаган эдик. Бироқ ЎзЛиДеП нашри фақат иши юришган тадбиркорлар фаолиятини мисол келтирган ҳолда, жамиятда замонавий иқтисодий-ҳуқуқий тушунчага эҳтиёж йўқ, асосий муаммо кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожига маҳаллий ҳокимият идораларининг сансалорлиги тўсиқ бўлаётганида, деган қарашни илгари сурди. Лекин тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилиш депутатларнинг устувор вазифаси эканидан, улар бу борадаги сансалорликларни бартараф этишга етарли эътибор қаратмаётганларидан кўз юмади.

Ажабланарлиси, ЎзЛиДеПнинг дастурий мақсадларига мувофиқ келмайдиган фикрлар ҳали ҳам учраб турибди. «XXI аср» газетаси «сиёсий партия кредит берадиган молия муассасаси ёки иш билан таъминлайдиган корхона эмас», дейди. Бир қарашда нишонга урилган фикр. Тўғри, сиёсий партия ёки депутат тўғридан-тўғри кредит берадиган, йўл қурадиган, иш ўрни яратадиган (ва ҳоказо) ташкилот эмас. Аммо ҳар қандай муаммони тегишли идора, ташкилот раҳбарлари эътиборига ҳавола этиб, ҳал этиш, одамларга ёрдам кўрсатишга бурчли.

ЎзЛиДеПнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари электорат вакиллари мурожаатларини тингламаса, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, унинг ечими учун ҳаракат қилмаса, бундан кимга нима фойда?

Яна бир гап. Либераллар бошқалар ишини ўз фойдасига талқин қилишга кўникиб қолаётганга ўхшайди. Масалан, «Қўшиб ёзиш санъати» сарлавҳали мақолада 2011 йилда Чуст туман кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи томонидан 12 маротаба турли мавзуларда тадбирлар ўтказилгани, туман марказида ёшлар спорт иншоотини бунёд этиш масаласи туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқилгани айтилади. Ваҳоланки, туман кенгашининг ўтган йилги сессиялари баённомаси билан танишганимизда, либерал депутатлар аслида ҳеч қандай масала киритмаганига гувоҳ бўлдик.

Шунингдек, сессия материллари билан танишиб, яна бир нарса эътиборимизни тортди. ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи раҳбари С.Мўминов томонидан 2011 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг Чуст туманида бажарилишини туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама қилиш бўйича хат чиқарилган. Лекин ЎзХДП депутатлик гуруҳи бу борада 5-6 ой олдин назорат-таҳлил ишларини олиб боргани боис, мазкур масалани 16 июль куни бўлиб ўтган сессияга киритишга муваффақ бўлди. Аммо либераллар яна бу ташаббус бизники эди, деб сафсата тўқишмоқда. Кўриниб турибдики, қўшиб ёзиш билан биз эмас, либераллар шуғулланмоқда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Мақолада партия фаоли ўтган йили 12 маротаба турли мавзуларда тадбир ўтказилганини таъкидлаб ўтган. Демак, бу тумандаги либераллар ҳали-ҳамон амалий иш ўрнига фақат тадбир ўтказишдан нарига ўтишмаяпти. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар дуч келаётган муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни ечишга қаратилган таклифларни сессияларга олиб чиқишга келганда эса сукут сақлашни ёки ўзганинг ишини ўзиники қилиб кўрсатишни маъқул кўрмоқда.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Истиқлол имкониятлари

# ФАРҒОНА:

# ТАРИХИЙ ҚУРИЛИШЛАР, БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР

**Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бу ишлардан кўзланган бош мақсад одамларни рози қилиш, улар фаровон турмуш кечиришлари учун муносиб шарт-шароитларни яратишдир**



**Дунёда инсоннинг руҳиятига, онгу шуурига кучли таъсир этадиган, ҳаётга қарашларини ўзгартириб юборадиган шундай янгиланишлар бўладики, уларга тарихий воқеалар, буюк бунёдкорликлар, дея таъриф берилади.**

Шу кунларда Фарғонада бўлган киши бу жараёнларни ўз кўзи билан кўриши, ҳайрат-ҳаяжонга чўмиши, фахр-ифтихорга тўлиши турган гап. Бугун Фарғона ўзгаряпти, янгиланаяпти, яшараяпти, яшнаяпти. Бу ерда замонавий шаҳарсозликнинг ўзига хос, Фарғонага монанд тимсоли яратилмоқда. Бу ишларнинг гувоҳи, иштирокчиси бўлган одам кўнглида **«Фарғона ҳеч қачон, ҳеч бир замонда бундай кўламли, залворли бунёдкорликларни кўрмаган»,** деган фикр чақнайди.

Дарҳақиқат, бир пайтнинг ўзида шаҳарнинг ўнлаб ҳудудларида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда: кенг ва равон йўллар, янги уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, хиёбонлар, спорт майдонлари, стадион... Қурилишлар кўлами, шиддати ақлни шошириб қўяди. «Ўҳ-ҳў», бунга қанча куч, қанча маблағ керак бўлади, деган савол кўнгилдан ўтади. Беихтиёр дунёнинг бугунги молиявий-иқтисодий танг аҳволи ёдга тушади. Биз шу чоққача куч ва имкониятига ҳавас қилиб келган не-не давлатларда барча соҳаларга сарфланадиган маблағларни, иш ўринларини қисқартириш давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда, хусусан, Фарғонада олиб борилаётган янгиланишларни четдан келиб кўрган ҳар бир кишининг ҳавас қилиши табиий, албатта.

— Бу ишларнинг ҳаммаси Президентимизнинг ташаббуслари билан бошланган, — дейди шаҳар бош меъмори Шавкатжон Маликов. — Ўтган йили Юртбошимиз Фарғонага келганида шаҳримиз ўзига хос қиёфага эга бўлиши, шаҳар инфратузилмасини янгилаш, кўп ҳудудларни бошқатдан қуриш ва ободонлаштириш зарурлигини айтган эди. Орадан кўп ўтмай махсус Қарор қабул қилиниб, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди.

Қадим диёримиздаги барча шаҳару қишлоқлар тарихий, меъморий жиҳатдан умумий қиёфага эга бўлса-да, айни чоғда уларнинг ҳар бири ўзининг бетакрор чиройи, кўрки-тароватии, ҳаттоки, жўғрофий жиҳатдан ўз табиати билан бир-биридан фарқланади. Шу сабабдан ҳам азалдан халқимиз Фарғонани «Бу бўстон ичра бир чаманзор» деб ҳисоблаган, ардоқлаган, севган, куйлаган. Бугун эса Фарғона биз орзу қилган, истиқлол имкониятига мос мақомга, ҳусни-жамолига эга бўлаётир. Бу ишларнинг ташаббускори, меъмори Президентимиз эканини фарғоналиклар мамнуният билан айтишмоқда.




**Дарҳақиқат, Президентимиз 2011 йил 15 ноябрда имзо чеккан «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорга кўра, шаҳарнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, кўркам ва обод шаҳарга айланиши керак.** Хусусан, йўл-транспорт тизими такомиллаштирилади, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси янгиланади, замонавий шаҳарсозлик талабларига тўлиқ жавоб берадиган гўзал хиёбонлар, уй-



жойлар барпо этилади. Алишер Навоий кўчасида 1000 ўринли Санъат саройи ва 500 ўринли амфитеатр қад ростлаяпти. Бу маданий масканлар атрофидаги ҳудуд обод этилиб, иккита рангли-мусиқали фавворалар қурилади, йўлаклар, кичик меъморий шакллар ва ташқи ёритиш тармоғи барпо этилиб, ҳар томонлама кўркам истироҳат боғи яратилади. «Нефтчи» футбол жамоасининг янги стадиони ишга тушади. Ёш оилалар учун қурилаётган уйларнинг дастлабки 6 таси шу йил Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Бугун Фарғона шаҳри марказидан қайси томонга қараб юрманг, қайси кўчага бурилманг, қурилиш, ободонлаштириш ишларининг устидан чиқасиз. Эски, тартибсиз қурилган уйлар, яроқсиз бинолар, шаҳар кўркини бузиб турган корхоналар олиб ташланаяпти. Улар ўрнига янги иншоотлар, замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Шаҳар бўйлаб кезар эканмиз, ҳамроҳларимиздан бири диққатимизни яна бир қурилиш майдонига қаратди.

— Яқингача бу ерда ёғ-мой заводи бўларди. У бутун шаҳар экологиясига зиён етказиб турарди. Энди бу ерда катта хиёбон, санъат саройи, ёнгинасида эса қишин-ёзин ишлайдиган спорт иншооти — бассейн қурилади. Шу ҳудуд экологияси яхшиланади. Ёшларимизнинг маънавияти юксалишига, саломатлиги мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Вилоят ҳокимлиги мутасаддилари бизга бу қурилишлар орасида энг мураккаби, энг нозиги ва алоҳида эътибор талаб қиладигани шаҳардаги Кичик ҳалқа йўли қурилиши эканлигини айтишди. Узунлиги 14,5 км бўлган бу ҳалқа йўл қурилиши лойиҳаси бўйича кўплаб хусусий уйлар, савдо ёки маиший хизмат кўрсатиш объектлари бузилиши талаб этиларди. Бу масала қурилишнинг ўзидан кўра кўпроқ ташвишли ва мураккаб эди. Чунки халқимизнинг феъл-атвори шундайки, уни яшаб келган маконидан кўчириш осон иш эмас. Чунки у уй-жойини Ватан, деб ҳисоблайди, унга чин дилдан меҳр қўйган бўлади. Бунинг устига ўша уйларда уларнинг ота-боболари яшаб ўтган. Бу уйдан кўчса, гўё уларнинг хотирасидан ажралиб қоладигандек ҳис этади ўзини.

**Шундай экан, беш-ўнта эмас, балки юзлаб оилаларни бошқа жойга кўчириш, тўғриси, кўчиришга кўндириш осон иш эмас. Вилоят раҳбарлари бу масалада ҳам айнан Президентимиз кўрсатмалари асосида иш олиб борилганини айтишди. Маълум бўлишича, «Одамлар норози бўлмасин, одамлар норози бўлган ишда хосият бўлмайди», деб уқтирган экан Юртбошимиз. Энг аввало, одамларга бу қурилишлар нима мақсадда, ким учун қурилаётганини тўғри тушунтириш керак эди. Уйма-уй юрилди, одамлар, маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатлашилди. Бу ишлар одамлар яшаши учун муносиб шароит яратиш, Фарғонанинг келажаги, фарзандлар истиқболи учун қилинаётгани тушунтирилди. Уй-жойи бузиладиган одамлар учун шаҳар атрофидан учта ҳудуд ажратилди. Вилоят раҳбарларининг ўзлари одамларни тўплаб, автобусда олиб юриб, ҳудудларни кўрсатишди, жой танлаш одамлар ихтиёрига берилди. Яна бир масала — қурилиш материаллари топиш, нарх-навоси ҳам кимларгадир оғир бўлиши мумкин. Бу муаммо ҳам ҳал этилди. Уй-жой қурадиганларга арзон нархда қурилиш материаллари ажратиб берилди. Шу тариқа Кичик ҳалқа йўли қурилиши бошланди. Бугун ўзини фарғоналик деб билган киши борки, бу ишларга озгина бўлса-да ҳисса қўшишга интилмоқда.**

Биз Кичик ҳалқа йўли қурилишида қатнашаётган ишчилар Нодирбек Умрзоқов, Ғуломжон Каримқулов, Ёқубжон Нишонов, йўл текислаш техникасини бошқараётган Баҳодиржон Жалолов, Абдумалик Ҳайитов, Турсунали Раҳимов билан учрашиб, суҳбатлашдик. Улар бу қурилишлар аҳамиятини қай даражада тушунаётганликларини билиш учун атайлаб саволлар бердик.

— Бу ишлар халқимиз фойдасини кўзлаб қилинаяпти. Болаларимиз учун, келажак авлод учун қилинаяпти, — дейди Нодирбек Умрзоқов. — Бизга шунчалик ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга раҳмат. Биз мана шундай катта ишларда қатнашаётганимиздан хурсандмиз.

У ишонч билан дона-дона қилиб гапирди. Шу ўринда хаёлда бир фикр жонланди. Одамлар ўзгараяпти, уларнинг ҳаётга муносабати ўзгараяпти. Мустақил фикрли инсонлар кўпайиб бормоқда.

Кичик халқа йўли бўйлаб борар эканмиз, ўнг томонда яна бир қурилиш майдонини кўрдик.

— Бу ерда йигирма минг томошабинга мўлжалланган стадион қуриляпти, — деди ҳамроҳларимиздан бири Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов. — Ахир, бу йил ўзбек футболига юз йил, «Нефтчи» футбол клубига эллик йил тўлади. Янги стадион ана шу байрамларга совға бўлади.

Халқа йўл четида бекатлар, савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, пиёдалар учун йўлаклар, ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Турли хил техникалар ишламоқда, қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бу улкан бунёдкорликларни кўриб, одамлар билан суҳбатлашиб, фарғоналикларнинг ўзига хос меҳр-оқибатли, тантилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ўзи аслида «фарғоналик» деганда кўз ўнгимизга дўпписи ўзига ярашиб турган, истараси иссиқ, дилкаш, меҳнаткаш одамлар келади. Меҳмондўстлигу деҳқончилик маданиятида уларнинг олдига тушадиган шу пайтгача топилмаган. Бу элнинг ўзига хос фазилатларидан яна бири аҳиллигида, ҳамжиҳатлигида. Қўшниси бир парча ерни чопаётган бўлса, қўлидан кетмонини олиб, ёрдамлашиб юборади ёки уч киши бир иш қилаётган бўлса, тўртинчи одам индамай ўтиб кетолмайди. Агар кўпчилик учун қилинаётган иш бўлса, фарғоналикман деган киши томошабин бўлиб туришни ўзига эп кўрмайди.

**Фарғонадаги бугунги қурилишларда ҳам ҳар куни юзлаб ҳашарчилар иштирок этмоқда. Айниқса, қарияларнинг қурилиш майдонларига келиб, «Бизга нима хизмат бор, биз ҳам ҳисса қўшайлик», дейишлари киши кўнглида кўп ажиб туйғуларни уйғотади. Қурувчилар қизиқ воқеаларни гапириб беришди. Кимдир бир сават нон ёпиб чиқибди, кимдир тушликка, деб қўй сўйиб келибди. Бир қария ўз боғи ҳосилидан бир қоп туршакни қурувчиларга тарқатиб кетибди. Ҳеч ким уларнинг отини сўрамаган, ўзлари ҳам айтмаган.**

Қурувчилар учун ҳамма таъминот етарли, ҳеч нарсага муҳтожлик йўқ. Аммо оддий одамларнинг бу тарихий ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилиши, бир-бирига кўрсатаётган меҳр-оқибати кишини тўлқинлантиради. Кўрганларимиз ичида бизни кўпроқ ана шу воқеалар ҳаяжонга солди, ғурурлантирди.

Учрашувлар, суҳбатлар жараёнида яна бир нарсани пайқадик. Фарғонада бўлаётган бу ўзгаришлар, янгиланишлар одамларни қувонтирмоқда, эртанги кунга ишончини оширмоқда. Қайси мавзуда савол берманг, улар ўзгаришлар ҳақида ҳаяжон билан тўлиб-тошиб гапиради. Бундай ишлар қилиниши тушимизга ҳам кирмаган эди, дейишади.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистоннинг гавҳари ҳисобланган Фарғонада бўлаётган янгиланишларга боқиб, беихтиёр хаёлга чўмасан, киши. Бу тарихий ишлар нималнинг ҳисобига бўлмоқда? Бу саволга жавоб тариқасида мамлакатимиз куч-қудрати ошиб бораётгани, халқимизнинг фидокорона меҳнати самарасини кўрсатиш мумкин, албатта. Бу ютуқларнинг яна бир муҳим мезони — тинчлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик. Тинчлик ҳукм сурган юртдагина бундай бунёдкорликлар амалга ошади.

Яна ўзингга-ўзинг савол берасан, бугунги ёруғ кунлар, бунёдкорликларнинг бош омили ҳақида ўйлайсан. Кўнгилдан чақмоқдек ярақлаб бир фикр ўтади: Бу — Мустақиллик неъмати! Барча имкониятларимиз, ютуқларимиз, қувончу ғуруримиз Мустақиллик шарофатидан. Ана шу **Мустақилликни,** унинг жону жаҳони бўлган **Тинчликни** асрай олган, қадрлай олган, шунга яраша меҳнат қилган миллат, халқ буюк келажак сари дадил одимлайверади, улуғ мақсадларига эришаверади.

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири,**
**Сафар ОСТОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

---

Хориж

## ТАЖРИБА

*ўзини оқламади*



***Англия супермаркетларида ўз-ўзига хизмат тури тажрибадан ўтказилди. Унда харидорлар маҳсулот учун белгиланган нархда тўловни электрон касса орқали ўзлари тўлашлари жорий этилди. Яъни харид қилган маҳсулотлар умумий нархини ўзлари жамлаб, электрон кассага ўзлари тўлаб, чекни ҳам ўзлари ёзиб олишлари лозим эди. Аммо бу тажриба кутилган натижани бермади, дейилади «Мир новостей» газетасида чоп этилган хабарда.***

Гап шундаки, кўпчилик харидорлар электрон кассани алдаш пайига тушиб қолдилар. Қиммат маҳсулот олсалар-да, лекин кассада арзон маҳсулот нархини тўладилар ёки маҳсулот кўп олган бўлсалар-да, унинг ярмига ҳақ тўламай, электрон кассирни алдашди.

Тажрибанинг бир неча кунидан сўнг супермаркетлар чиқаверишига текширувчилар қўйилди. Улар харидорлар харид қилган маҳсулот чеки билан сумкадаги маҳсулот суммасини солиштириб, одамларда инсоф деган фазилат йўқолиб бораётганига амин бўлдилар.

Бундай алдоқчи харидорлар орасида ўзига тўқ, бойбадавлат одамлар ҳам борлиги супермаркет соҳибларини хайрон қолдирди. Масалан, «Манчестер Юнайтед» футбол клуби дарвозабони Давид де Хеа супермаркетда тановул қилган булочка учун ҳақ тўламай чиқиб кетаётганида эшик оғалари томонидан ушланган. Гўё ҳақ тўлаш эсидан чиқиб қолган эмиш. Голливуд юлдузи Линдси Лохан эса маржон шодасига ҳақ тўламай чиқиб кетаётгани учун 360 соатлик жамоат ишларига жалб қилинди.

## «СОТКА» ИНТЕРНЕТГА УЛАНГАНМИ?

*У ҳолда...*

***Мобил телефонларининг фойдаси ҳақида гапириш ортиқча. Чунки буни барча билади, шу билан бирга, зарари тўғрисида ҳам билмайдиган одам кам. Аммо ундан фойдаланиш тартибига риоя этиш масаласи...***



Куба маъмурияти мобиль телефонидан фойдаланиш масаласини қонун йўли билан таъминлашга қарор қилди. Яъни бу ерда мактаб ўқувчиларининг интернет тармоғига уланган мобил телефонлардан фойдаланишини тақиқлаш тўғрисида махсус дастур ишлаб чиқилди. Эндиликда интернетга уланувчи мобиль телефонни мактабга кўтариб келиш мумкин эмас.

Маҳаллий матбуотда ёзишларича, ўқувчилар кўп вақтини дарс бажаришга эмас, балки электрон почта орқали хабар алмашишга сарфларкан. Бу эса уларнинг фанларни ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳукумат мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида мобил телефонлари ишлаб чиқарувчи компанияларга болалар учун фақат сўзлашиш хизматини кўрсатувчи телефонлар яратишларини таклиф қилди.

Дарвоқе, яна бир гап. Халқаро электр алоқаси иттифоқи маълумотларига қараганда, кейинги йилларда мобил алоқа тармоғи дунё бўйича тезкорлик билан ривожланмоқда. Ундан фойдаланувчилар сони ҳам ортгандан ортиб бормоқда. Статистикада қайд этилишича, жорий йилда мобиль алоқа абонентлари сони дунё бўйича ҳисоблаганда 6 миллиард кишига етган.

Таққослайдиган бўлсак, 2000 йилда мобил алоқа абонентлари сони дунё аҳолисининг 12 фоизига тенг бўлган эди. Бу йил эса мазкур кўрсаткич 80 фоиздан ошаркан.

## ОШҚОЗОН ВА ЖИГАР САРАТОНИ



*қон орқали аниқланади*

***Германиялик олимлар ташҳиснинг янги усулини яратдилар. Ушбу усулга кўра, ошқозон ва жигар саратони қон таҳлили орқали аниқланади.***

Шу таҳлил касаллик ҳақида тўлиқ маълумот бера олади.

Бундай усул ҳеч қандай препарат ёки кимёвий нурларсиз аниқ ташҳис қўйиш имконини беради.

Барча шифохоналарда қўлланиши кўзда тутилаётган мазкур усулдан фойдаланишнинг баҳоси минг евро қилиб белгиланган.

Таҳлил натижалари 3-4 кунда чиқади.

## ЯНА 30 МИНГ

*километрга узаяди*



***Маълумотларга қараганда, айни вақтда Хитойда темир йўл тармоғининг умумий узунлиги қарийб 90 минг километрни ташкил қилади. Аммо бу халқ хўжалиги эҳтиёжини қоплай олмаяпти. Шу боис ҳукумат мамлакатдаги темир йўл тармоғини яна 30 минг километрга узайтиришни мўлжаллаб турибди.***

Хитой Темир йўлари вазирлигидан маълум қилишларича, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 700 миллиард АҚШ долларидан зиёдроқ маблағ сарфланиши режалаштирилмоқда.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ер ресурслари ва давлат кадастри томонидан 2007 йил 24 февралда Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 39-а уй эгаси Татыбаева Алла Суйничевнага берилган № 4026 сонли кадастр реестр ҳужжати Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик судининг 2009 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан ҳамда Юнусобод туман суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 24 апрелдаги № К-8/17 сонли хатига асосан юқоридаги кўрсатилган манзил бўйича уй (мулк) ХОАББ «Трастбанк» «Тошкент» филиали балансига ўтиши сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

# НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Спорт — инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик, ифтихор туйғуларини сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлод тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатида ушбу жиҳатлар устувор ўринни эгаллайди. Бугун озод ва обод Ватанимизда униб-ўсаётган ниҳоллар — ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган том маънодаги баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, ҳаётимизнинг осойишта ва тинч-тотувлигини таъминлашда ҳал қилувчи куч, буюк келажагимиз бунёдкорларидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган ва изчил амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фарзандларимиз ҳар соҳада ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намоён этишида, уларни юртимизда эркин демократик жамият қуришга қодир, ҳеч кимдан кам бўлмаган, комил инсонлар сифатида тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш, чекка ҳудудларда ҳам спорт мажмуаларини қуриш ва уларни замон талаблари асосида спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ўғил-қизларимиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратишга хизмат қилмоқда.

2003-2011 йиллар давомида мазкур жамғарма томонидан 1500 га яқин замонавий спорт объектлари фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашгани эътиборга моликдир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан асос солинган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан таркиб топган узлуксиз спорт тизими бу борада улкан аҳамият касб этмоқда. У бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, мамлакатимизнинг барча ўқувчи ва талаба-ёшларини ўз сафига қамраб олмоқда, улар орасидан чемпионлар етишиб чиқиши, ҳар бир йигит-қизнинг соғлом улғайишига хизмат қилаётир.

Дунёда ўхшаши бўлмаган мазкур тизимнинг дастлабки бўғини — «Умид ниҳоллари» бу гал бешинчи маротаба ўтказилмоқда. Мусобақа илк маротаба 2002 йилда Фарғонада ташкил этилган эди. Ўн йил олдинги мусобақада қатнашган ўқувчиларнинг аксарияти бугун мамлакатимизнинг етакчи спортчиларига айланди.

«Умид ниҳоллари»нинг якуний босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этган энг сара спортчилар қатнашади. Беллашувларда қайд этилаётган натижалар, кўрсаткичлар, рекордлар йилдан-йилга ўсиб бораётгани ёшларимизнинг спорт соҳасидаги салоҳияти юксалаётганидан далолатдир.

Мактаб ўқувчиларининг бу галги йирик байрами спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари ўтказиладиган йилга тўғри келганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос «кичик олимпиада»сига айланди. Мазкур спорт анжуманлари олимпия тамойиллари ва талаблари асосида ташкил этилади, финал мусобақалари Олимпия ўйинларида бўлгани сингари машъала ёқиш маросими билан бошланади.



Бугун Лондон Олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга ҳозирлик кўраётган дзюдочилар Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев, боксчилар Аббос Атоев, Элшод Расулов, Жасур Латипов, енгил атлетикачилар Светлана Радзивил, Валерия Канатова, Юлия Тарасова, сузиш бўйича мамлакатимиз рекордчилари Раъно Омонова, Юлдуз Қўчқорова, таэквондочи Акмал Эргашев каби кўплаб спортчиларимиз айнан ана шу мусобақаларда дастлабки зафарли қадамларини ташлаган.

...Стадионга сокинлик чўмади. Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинларининг машъаласини кўтарган йигит ва қиз стадионга кириб келади.

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинлари машъаласи порлай бошлайди.

Бу йилги мусобақалар спортнинг ўн икки тури — бадиий гимнастика, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, сузиш, енгил атлетика, стол тенниси, спорт гимнастикаси, шахмат, кураш ва белбоғли кураш бўйича ўтказилади. Минг нафарга яқин ёш спортчи «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинларининг финал босқичида иштирок этмоқда.

«Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Навоий вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳарга туташ ҳудудда қад ростлаган спортчилар шаҳарчаси тимсолида халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳияти яна бир бор ўз ифодасини топган. Шаҳарчанинг умумий майдони 14,8 гектарни ташкил этади. Бу ерда жаҳон стандартлари асосида қурилган янги стадион 10 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира олади. Ўйин майдони, саккиз қатор югуриш йўлаклари, 42x30 метр ҳажмдаги иккита спорт зали, кийим алмаштириш, ювиниш, тиббиёт ва маъмурий хоналари спортчиларга кенг қулайлик яратади. Мажмуа атрофи манзарали дарахтлар, турфа гуллар билан безатилган.

Спорт шаҳарчасида Олий спорт маҳорати мактаби, Навоий спорт коллежи, курашга ихтисослаштирилган спорт мактаби, футболга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг ўқув бинолари ва спорт заллари ҳам ёшлар ихтиёрида. «Кимёгар» стадиони, «Олтин сув» сузиш ҳавзаси ҳамда «Сўғдиёна» спорт саройи ҳам тўлиқ таъмирланиб, замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

Спорт байрамига тайёргарлик жараёнида Навоий шаҳри инфратузилмаси янада такомиллаштирилди. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Кенг ва равон йўллар бунёд этилди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонхоналарда барча шароитлар яратилди. Навоий аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«Умид ниҳоллари — 2012» беллашувларининг финал босқичи доирасида қизиқарли ва кўнгилочар тадбирлар, маданий дастурлар ҳам ўтказилади. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, турли шоу-концертлар ўтказиш, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириш кўзда тутилган.

...Майдонга байрам садолари остида ранг-баранг либослардаги спортчилар, болалар ижодий жамоалари, эстрада хонандалари кириб келади. Қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намоён бўлади.

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Ёрқул УМАРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

## СЎЗ – «УМИД НИҲОЛЛАРИ» МУСОБАҚАЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Насима МАЪРУПОВА,**
**Сирдарё вилояти:**

— Спортнинг сузиш тури бўйича мусобақаларда қатнашаман. 2009 йилда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари бизнинг вилоятимизда, Гулистон шаҳрида бўлиб ўтганди. Шу боис кўплаб спорт иншоотлари қаторида катта сузиш ҳавзаси ҳам қурилди. Натижада мен каби қизларнинг сув спорти билан шуғулланишига, ўз устида кўпроқ ишлашига шароит туғилди. Ўша пайтда биз мусобақаларни ҳавас билан кузатгандик. Бугун ўзимиз иштирокчимиз. Ўйлайманки, ҳозирда худди бизнинг ўша пайтдаги ҳолатимизда бўлган навоийлик болалар ҳам келажакда нафақат «Умид ниҳоллари»да, балки уч босқичли тизимнинг ҳаммамасида иштирок этишади. Мен ҳам бошқа тенгдошларим каби фақат олтин медал умидида Навоийга келдим. Соғлом рақобат билан ўтадиган бу мусобақа бизга кўп нарса беришига, катта тажриба мактаби бўлишига ва у келажакда асқотишига ишонаман.

**Наврўз КАРИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти:**

*— Болалигимда қишлоғимизда акаларим стол тенниси ўйнашарди. Уларга қизиқиб қўлимга ракетка ушлаганман. Бошида оддий қизиқишдан бошланиб, кейинчалик жиддий шуғуллана бошладим. Дастлаб туман миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб юрдим. Ҳозирга келиб, вилоят терма жамоаси таркибидан ўрин олдим. Келажакда Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Жаҳоннинг турли давлатларидаги турнирларда қатнашиб ғолиб бўлган спортчиларни телевизор орқали кўрсам, уларга чин юракдан ҳавасим келади. Ҳудди улар каби халқимизга қувонч улашсам дейман.*

*Кеча бизни мезбонлар жуда яхши кутиб олишди. Бунинг учун ташкилотчиларга раҳмат. Бундан кайфиятимиз янада кўтарилди. Ушбу қувонч бизни фақат чемпионлик сари ундайди.*

**Султоной ЭРГАШЕВА,**
**Қашқадарё вилояти:**

— Мусобақаларда спорт гимнастикаси бўйича иштирок этаман. Биз бутун жамоамиз билан «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларига қизғин тайёргарлик кўрдик. Бу жараёнда спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг машғулотлари ва турли халқаро турнирлардаги иштирокини кўп кузатдик. Янги усуллар ўзлаштирдик, тажриба орттирдик. Ишонаманки, бу бизга мусобақа давомида фойда беради.

**Имомали УМРЗОҚОВ,**
**Тошкент вилояти:**

*— Акам Гулистонда «Умид ниҳоллари» мусобақасида иштирок этганди. Унга қизиқиб, мен ҳам белбоғли кураш билан шуғулланиб келаман. Мусобақа мезбонлари бизни жуда чиройли кутиб олишди. У ҳақ экан. Кутганимиздан ҳам ортиқ қарши олишди. Бунинг учун навоийликларга раҳмат айтаман. Мусобақада иштирок этар экан, ҳар бир спортчи медаллар учун курашади. Лекин медаллар сони атиги учта. Шундай экан фақат энг кучли бўлган иштирокчиларгина совриндор бўлади.*

**Матлуба ҒУЛОМЖОНОВА,**
**Наманган вилояти:**

— Бизнинг баскетбол терма жамоамиз мусобақага катта тайёргарлик кўрди. Жамоавий спорт турлари яккаликлардан кескин фарқ қилади. Яккалик баҳсларида бир киши ҳамма нарсани ҳал қилса, бизда бунинг тамоман акси. Жамоа кучли ва аҳил бўлса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Буни жамоамизнинг ҳар бир аъзоси тушуниб турибди. Бир-биримизни қўллаб-қувватласак, бир ёқадан бош чиқарсак, марра бизники бўлади.

**Муҳаммадали АБДУВАҲОБОВ,**
**Сурхондарё вилояти:**

*— Ёшим ўнда. 7 ёшимдан бошлаб шоҳмот ўйнайман. Энг яхши кўрган шоҳмотчим Рустам Қосимжонов. У киши жаҳон чемпиони бўлган пайтда мен гўдак бўлганман. Лекин кейинчалик телевизор орқали кўриб, газеталарда ўқиб, бу чемпионликнинг аҳамияти қанчалик бўлганини тушуниб етдим. Яқинда ушбу машҳур спортчимиз ҳақидаги китобни менга онам совға қилди. Мусобақа якунлангач китобни албатта ўқиб чиқаман. Навоийдан фақат ғолиб бўлиб қайтишга ҳаракат қиламан. Ёшимдан келиб чиқса, ҳали яна икки марта «Умид ниҳоллари»да қатнашишим мумкин. Келажакда Рустам Қосимжоновдек бўлишга ҳаракат қиламан.*

**Убайдулло ХОЛБОЕВ,**
**Жиззах вилояти:**

— Ҳар бир ўғил боланинг болаликдаги эрмаги тўп бўлса керак. Футболга бўлган қизиқишим гўдаклик пайтимдаёқ пайдо бўлган. Дастлаб маҳаллада тўп тепиб юрдик. Кейинчалик қишлоғимизда очилган футбол тўгарагига қатнадим. Ҳозирда вилоят терма жамоасининг аъзосиман.

«Умид ниҳоллари»га тайёргарлик жараёнида кўплаб ўртоқлик учрашувларида майдонга тушдик. Бўлажак баҳслар олдидан заррача қўрқув ҳис қилмаяпмиз. Ҳаммамиз фақат ғолиб чиқишни ўйлаяпмиз.

**Гулчирой ТЎХТАЕВА,**
**Навоий вилояти:**

*— Биз мусобақа иштирокчиларини шаҳримизда кўриб турганимиздан хурсандмиз. Ҳаммага омад ёр бўлсин. «Умид ниҳоллари» ёшлик, спорт байрами. Байрамда мағлублар бўлмайди. Совриндор бўла олмаган спортчилар тайёргарликни кучайтиришса «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларида иштирок этиб ғолибликка эришишлари мумкин. Қўл тўпи бўйича Навоий вилоят терма жамоаси мусобақага катта иштиёқ билан тайёргарлик кўрди. Ўз уйимизда бўлаётган мусобақада ғолиб бўлишни жуда ҳам истаяпмиз.*

**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири**
**Темур АЪЗАМ тайёрлади.**

**Спорт**

**24-27 май кунлари Қаршида кураш бўйича Соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтади.**

## ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ҚАРШИДА



Олтинчи маротаба уюштирилаётган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг Бразилия, Исроил, Грузия, Конго ва Туркия, Ангола, Ҳиндистон, Марокаш, Украина, Жанубий Корея, Эрон сингари ўттиздан зиёд давлатларидан келган полвонлар ғолиблик учун кураш олиб бориши кутилмоқда.

— Бу галги беллашувларда жаҳон ва Осиё чемпионлари Абдулла Тангриев ҳамда Рамзиддин Саидов иштирок этмайди, — дейди Ўзбекистон миллий кураш федерацияси бош котиби Тўлқин Рўзиев. — Айни пайтда дзюдо бўйича Лондон олимпиадаси беллашувларига ҳозирлик кўраётган бу полвонларимиз Москвада бўладиган Гран-при туркумидаги йирик мусобақада қатнашадилар. Бу галги беллашувларда мамлакатимизнинг етакчи ва номдор курашчиларидан йигирма бир нафари юртимиз шарафини ҳимоя қилиш истагини билдирган. Улар орасида қашқадарёлик Шерали Жўраев, Фазлиддин Мелиев, Улуғбек Қўлдошев, Мелис Маҳмудов, самарқандлик Ўткир Саломов, Элибой Ибрагимов, бухоролик Илғор Асадовлар мусобақанинг бош совринига асосий даъвогарлар сифатида тилга олинмоқда.

Мусобақалар Қаршидаги «Насаф» стадионида ўтказилади. Халқаро турнир олдидан воҳада меҳмонларни муносиб кутиб олиш, турнирни юксак савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилди.

Кеча эрта тонгдан пойтахт халқаро аэропортида хорижлик иштирокчилар ва меҳмонларни кутиб олиш бошланди. Юртимизга биринчилардан бўлиб таниқли спортчилар — грузиялик Георгий Иадзе, исроиллик Григорий Рудельсон, конголик Ндембе Эрик Ванесса, грециялик Василис Иллиадислар етиб келишди.

— Гарчи, кураш Ўзбекистонда пайдо бўлган бўлсада, аллақачон дунё халқларининг севимли спорт турларидан бирига айланган, — дейди конголик курашчи Ндембе Эрик Ванесса. — Беш йилдан бери кураш билан шуғулланаман. Бир неча карра мамлакат чемпионлигини қўлга киритдим. Қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаси — ёзги Африка ўйинларида совриндор бўлганман. Энди Қаршида бўладиган халқаро турнирда ўз омадимни синаб кўриш ниятидаман. Бизни самимий кутиб олган мезбонларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Айни вақтда юртимизда кураш ихлосмандлари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларга кураш сирларини чуқурроқ ўрганишлари учун малакали мутахассислар зарур. Шуни ҳисобга олиб, мен халқаро турнир ниҳоясига етгач, яна бир ой давомида Ўзбекистонда қолиб, кураш сир-асрорларини пухта ўзлаштирмоқчиман.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 24-25 – 05. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +16 / +21 | +32 / +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +16 / +21 | +32 / +37 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +15 / +20 | +29/+34 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +16 / +21 | +32 / +37 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +13 / +18 | +28 / +33 |
| Тошкент шаҳри | +15 / +17 | +32 / +34 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| Лондон | +16 / +17 | Афина | +14 / +14 |
| Париж | +15 / +17 | Токио | +18 / +18 |
| Москва | +6 / +5 | Стокгольм | +9 / +9 |
| Мадрид | +14 / +15 | Кейптаун | +13 / +12 |
| Пекин | +18 / +16 | Қоҳира | +28 / +30 |
| Гонгконг | +25/ +26 | Гавана | +25 / +24 |
| Рим | +10 / +11 | Вашингтон | +19 / +18 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
17356 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00.35
Topshirilgan vaqti — 01.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: To'lqin TO'RAXONOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5